

## Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг умматларига қилган дуолари



15:55 / 08.03.2018 6024

*4600. Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Ҳар бир Набийнинг дуоси бор. Бас, у билан дуо қилган ва ижобат бўлган. Мен ўз дуоимни қиёмат куни шафоат ўлароқ (олиб) қўйдим», дедилар».**

*Икки шайх ва Термизий ривоят қилганлар.*

**Шарҳ:** Бу ердаги «дуо»дан мурод бош дуодир. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўпгина дуолари бу дунёда ҳам дарҳол қабул бўлган. Мисол учун, Бадр урушида дуолари қабул бўлиб, мусулмонлар душмандан

ғолиб келганлар. Бир Жумъа куни аъробий ёмғирни сўраганида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу ҳақдаги дуолари тамом бўлмай туриб, ёмғир ёға бошлаган ва ҳоказо.

*4601. Термизийнинг ривоятида:*

**«Ҳар бир Набийнинг мустажоб дуоси бор. Бас, мен ўз дуоимни қиёмат куни шафоат ўлароқ беркитиб қўйдим. У, иншааллоҳ, улардан Аллоҳга ҳеч нарсани ширк келтирмай ўлганларига ноил бўлгусидир», дейилган.**

**Шарҳ:** Аллоҳ таоло сиз билан бизни ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўша мустажоб дуоларидан баҳраманд бўладиган умматларидан қилсин.

*4602. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Аллоҳим! Албатта, мен Сенинг ҳузурингда ваъда олганман ва, албатта, Сен унга хилоф қилмагайсан. Мен бир башарман, холос.**

**Мўминлардан қай бирига озор берган, сўккан, лаънатлаган ёки дарра урган бўлсам, ўшани унинг учун қиёмат куни уни Сенга яқинлаштирадиган намоз, закот ва қурбат қилгин», дедилар».**

*Икки шайх ривоят қилган.*

**Шарҳ:** Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу дуоларида ҳам у зотнинг умматларига бўлган шафқатлари, улар учун бўлган қайғуришлари ўз аксини топган.

Албатта, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўз умматларига қилган дуолари кўп. Биз ўрганган дуолар улардан баъзи намуналар, холос.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қилган барча дуолари мақбул бўлгани улкан ҳақиқат. У зотнинг умматларига қилган ва қиладиган дуолари ҳам, Аллоҳ таоло хоҳласа, мақбулдир.

**Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф**

*(Ҳадис ва ҳаёт китобидан)*

